# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir.



Высшее благо медицины — здоровье.

❖ Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqa boshlagan. ❖ № 36 (448) 2005-yil 13-19 sentabr ❖ Seshanba kunlari chiqadi. ❖ Sotuvda erkin narxda.







# ЧЕКСИЗ ҲАЯЖОН

***Бундан бир ой муқаддам, худди ана шу кунларда талаба бўлиш орзусида юрган абитуриентлар ҳаяжонда эдилар. Вақтни қарангки, бир ой ортда қолиб, адолатли синовлардан сўнг талаба деган номга мушарраф бўлишди. Қалбида тиббиёт ходими бўлишдек улуғ касбни ният қилган ўғил-қизлар Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил қилинган нуфузли Тошкент тиббиёт академиясининг илк қалдирғочлари бўлиб, талаба деган муқаддас номга эга бўлдилар...***

Куни кеча пойтахтимизнинг муҳташам Туркистон саройида Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи курс талабалари қасамёд қабул қилдилар. Гўзал кошонага йиғилган устозлар, талабалар биргина талабалик қасамёдини эмас, балки қўшалоқ байрамларини нишонлашди. Улар мустақиллигимизнинг 14 йиллиги ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг очилиш маросимига ташриф буюрганликларидан ғоят мамнун эдилар.

Тадбирни Тошкент тиббиёт академиясининг ректори, академик Ш. Каримов кириш сўзи билан очиб, барча йиғилганларни қўшалоқ байрам билан табриклаб, Тошкент тиббиёт академиясининг яратилиш тарихи тўғрисида ўз фикрларини баён этди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов сўзга чиқиб, талабаларни ажойиб бахтга муяссар бўлганликлари билан қутлаб, самимий тилакларини билдирди. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Ҳожибоев республика тиббиёт тизимида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб, академия остонасига қадам қўйган йигит-қизларни шарафли ном эгаси бўлганликлари билан табриклаб, келажакда улардан халқимиз саломатлиги йўлида фидойи меҳнат қилаоладиган тиббиёт ходимлари етишиб чиқишига умид билдирди. Академик Т. Даминов «Талабалик олтин давр» эканлигини ва шу йиллар мобайнида мустаҳкам билимга эга бўлган ҳар бир талабанинг эртаси порлоқ ҳамда Ватан равнақи йўлида юзлари ёруғ бўлишини ўз фикрларида эътироф этди.

Оқ либослари кўнгиллари мисол беғубор бўлган талабалар қасамёд матнини ҳис-ҳаяжон билан диллари тўрига жойлаб, қалбларига муҳрладилар. Қабул қилинган қасамёднинг мазмун ва моҳияти шу қадар чуқур эдики, ушбу даргоҳни бир неча йиллардан сўнг тугатадиган бўлажак тиббиёт ходими фаолияти давомида ва умрининг охиригача мазкур қасамёддаги ҳар бир сўзни қалбига жо қилиб ишлашига шубҳа йўқ. Айниқса, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат, маърифат эшигига кенг йўл очган бобокалонларимиз ҳоки пойини муқаддас тутиш, оила ва жамиятга муносиб ҳисса қўшиш, одоб ва ахлоқ бобида курсдош дўстлари ва барчага намуна бўлиш каби эзгу фазилатларга бой сўзлар, иштирокчиларни ҳам беихтиёр, тўлқинлантириб юборди.

Қасамёд қабул қилингач, олийгоҳни аъло баҳоларга тугатган талабалар рамзий маънода тақдим этиладиган «синов дафтарчаси» ва «фандоскоп»ни биринчи курс талабаларига яхши ният ва умидлар билан топширдилар. Тантанали кечага ташриф буюрган Тошкент тиббиёт академиясининг устозлари ҳам юқоридаги қасамёдда зикр этилган сўзларнинг нечоғлик қимматга эга эканлигини дилдан ҳис этишиб, талабаларга бетакрор фазилатларни мужассам этишни ҳамда чуқур билим беришни ўз олдиларига мақсад қилиб олдилар.

Тадбир сўнггида республикамизнинг таниқли хонандалари ёшлар ҳаётига мос бўлган дилрабо қўшиқ ва қалбларни ўзига ром этгувчи рақслари билан иштирокчилар кўнглини хушнуд этдилар.

Қутлуғ даргоҳга эзгу ниятлар билан қадам қўйган талабалар келажакда ўз қасамёди ва бурчига содиқ бўладилар, деган умиддамиз.

**И. СОАТОВА.**

**Суратларда тантанали маросимдан лавҳалар. А.НУРАТДИНОВ олган суратлар.**



*O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG`LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING*

## BUYRUG`I

**2005 yil 06.09. Toshkent sh. № 433**

## 2005-2006 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режасига асосан Олий ўқув юртлари ва уларнинг филиалларида, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, Илмий текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказларда тиббиётнинг долзарб соҳалари йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни эътиборга олиб, вазирлик буюртмасига асосан

**Б У Ю Р А М А Н**

*1. Олий ўқув юртлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорлари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч, ТошПТИнинг Нукус филиаллари, Илмий текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказлар директорларига:*

*1.1. Клиник ординатурага 2005 йилда вазирлик буюртмасига асосан тасдиқланган режа (1-2-3-4-илова) ўринларига қабул жорий йилнинг 30 сентябрига қадар таъминлансин.*

*1.2. 2005 йилда Олий ўқув юртини Президент Давлат стипендияси ва Ибн Сино номли стипендия совриндорлари эълон қилинган бюджет ўринларига, айрим бюджет ўринлар эълон қилинмаган йўналишлар бўйича контракт ўринларга клиник ординатурага танловсиз қабул қилишга рухсат берилсин.*

*1.3. Олий таълим муассасаларининг касбий таълим (тиббий педагогика) йўналиши бўйича давлат грантлари асосида институтни тамомлаган битирувчилар клиник ординатурага контракт асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда ҳам клиник ординатурадан кейин ишлаб бериш мажбурияти уч йил деб ҳисобланади.*

**(Давоми 3-бетда).**

**REKLAMA VA E'LONLAR: TEL:. 133-13-22, 133-57-73.**



## Ҳамширалик иши

# ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

***Фахр билан айтиш мумкинки, бағри кенг Ўзбекистон қисқа вақт ичида ҳамкорлик ишларига имконият эшикларини очди. Жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ҳамкорлик борасида салоҳиятли ишлар амалга оширилди. Айниқса, «Ҳамширалик иши» борасидаги фаолиятлар ҳамкорликнинг узилмас риштасига айланди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳамда Исроил давлатининг ўзаро ҳамкорлиги «Ҳамширалик иши»да ўзининг маҳсулий натижаларини берди. Хабарингиз борки, беш йилдан буён Ўзбекистон ҳамширалари Исроил давлатининг «MASHAV» дастури асосида мазкур давлатда бўлишиб, тажриба кўламларини бойитиб қайтдилар. Ушбу «Ҳамширалик ишини ривожлантириш» дастури Исроил давлатининг «MASHAV» (Ташқи ишлар вазирлигининг халқаро ҳамкорлик маркази), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Israel Clalit Health Services ўқув маркази томонидан амалга оширилди...***

*Жорий йилнинг 6-7 сентябрь кунлари пойтахтимизнинг Интерконтиненталь меҳмонхонасида «Бирламчи тизимда ҳамширалик ишини ривожлантириш» дастури бўйича якуний анжуман бўлиб ўтди. Мазкур анжуманни Америка Қўшма Штатлари элчиси Жон Пурнелл, Исроил давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ами Мел ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоевлар кириш сўзи билан очиб, беш йил давомида «MASHAV» дастури асосида «Ҳамширалик иши»ни ривожлантиришга қаратилган ва ҳамкорликда амалга оширилган ишлар, шунингдек, Исроил давлатига ташриф буюрган ҳолда клиник кўникмалар, етакчилик хусусиятлари, бошқарув кўникмалари ҳамда қарор қабул қилишда иштирок этишни ривожлантириш курсларида таълим олишлари учун шароит яратган «Ҳамширалик иши»ни ривожлантириш дастури хусусида батафсил тўхталиб, илиқ фикрларни билдирдилар.*

*Икки кун давом этган мазкур семинарда Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент, Навоий, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан Исроил давлатида бўлган ҳамширалар билимий тажрибалари, шунингдек, олган таассуротлари асосида ўз фаолиятларида қўллаган лойиҳалари бўйича маъруза қилдилар. Ниҳоятда юқори савияда ўтган анжуманда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиқлари, ўринбосарлари, марказий шифохоналарнинг бош шифокорлари, вилоят бошқармаларининг бош ҳамширалари ҳамда тиббиёт муассасаларининг ҳамширалари иштирок этдилар.*






**Рихси СОЛИХЎЖАЕВА, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси.**

— Билим ва тажриба, ақлий меҳнат ҳеч қачон бесамар кетмайди, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ўзбекистонда «Ҳамширалик иши»ни ривожлантиришга қаратилган ва ҳамкорликда амалга оширилувчи дастурнинг беш йиллиги чин маънодаги улкан самарадорликларга юз тутди. Инсон тафаккури кун сайин ўсиб борганидек, ҳамшираларимизнинг янгиликлар сари интилиши, билим ва малака оширишга бўлган иштиёқи ҳам шунчалик шаклланиб борди. Гувоҳи бўлганингиздек, эртанги ҳамшира кечаги ҳамшира қиёфасидан тубдан фарқ қилади. Чунки, улар ўз номи билан «Замонавий ҳамшира» деган тушунча замирида униб-ўсаяптилар. Фахрланарли томони, 350 дан ортиқ ўзбек ҳамширалари бугун Исроил давлатининг «MASHAV» дастури асосида билим ва тажрибаларини бойитиб қайтдилар. Жаҳон андозаларига хос шарт-шароитларга эга бўлган ҳамшираларимиз ўзлари фаолият юритаётган муассасаларда дастур доираси бўйича салмоқли ишларга эришдилар.

Ўтказилган тадбир айнан ҳамшираларнинг беш йиллик билимий салоҳиятларининг самараси, изланишлар борасидаги ютуқлар ҳақида билдирилган илиқ фикрлар нафақат ташриф буюрганларни, шахсан мени ҳам беҳад қувонтирди. Бу албатта, мутахассисларнинг ҳамкорликда йўлга қўйилган ишларининг кичик хулосаси халос. Энг муҳими ҳамшираларнинг дунёвий билимларга бўлган қизиқиши ва ҳаракати лойиҳада кўзланган жараён кучини бир карра шакллантирди. Чунки, фикр бор жойда, янгилик туғилади, ғоя бор жойда ўсиш ва шаклланишдан нишона бўлиши ҳеч шубҳасиздир. Сўзим сўнггида шуни айтмоқчиманки, ушбу анжуман, лойиҳанинг якуний қисми бўлмай, балки узоқ муддатли самарадорликка замин яратиб, қилинажак залворли ишларга пойдевор бўла олади деган мақсадли режани кўзда тутади.

**Лора ЛОВЕН, «MASHAV» дастури раҳбари.**

— Мана, бир неча йилдирки, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда фаолият юритаяпмиз. Улар билан ҳамфикрликда ишлар эканман, уларнинг чаққонлиги ва меҳнатсеварлигини кўриб, яна бир карра ҳурматим ошди. Шунингдек, «Ҳамширалик иши»даги ижобий ўзгаришлар ҳамкорлик натижаси ва ўзбекистонлик ҳамшираларнинг залворли меҳнатлари туфайли дунё юзига чиқмоқда. Айниқса, ўтказилаётган халқаро анжуманлар, турли мавзулардаги семинарлар ва улар орқали ўзаро фикр алмашувлар ҳамшираларингиз томонидан амалга оширилаётган ишларни кўрсатаяпти, десам муболаға қилмаган бўламан.

Мустақилликка эришган эркин демократик тамойиллар асосида тараққий этаётган Ўзбекистон Республикасида тиббиёт тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар биз исроилликларни ҳам албатта бефарқ қолдирмайди. Чунки, бизнинг асосий мақсадимиз Исроил давлати тажрибаси асосида Ўзбекистондаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамшираларнинг малакасини оширишдан иборатдир. Бугун эса уларда Исроил давлатининг таълим ва тиббиётга хос бўлган хусусиятларини, айни пайтда ўз иш жойларида тарғиб қилиб, халқ саломатлиги йўлида виждонан хизмат қилаётганликларининг, уларнинг минбардан туриб баралла гапиришидан билиб, берган сабоқларимиз бесамар кетмаганлигидан беҳад мамнун бўлдим. Ишончим комилки, ўзбекистонлик ҳамширалар биз берган билим ва тажрибаларимизни оқлаб, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

**Абдураҳмон НОСИРОВ, Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи.**

– Ушбу анжуман жуда кўтаринкилик руҳида ўтди. Чунки, мақсад қилиб олинган дастур ўз натижасини берди. Бу албатта, осонликча юзага келмади. Дарвоқе, меҳнатсевар, меҳрибон, бир-биридан чаққон ҳамшираларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли дастур асосида муваффақиятли ишлар ўзининг самарасини кўрсатди. Икки кунлик анжуман давомида шу нарсага амин бўлдимки, ўз лойиҳалари бўйича маъруза қилган ҳамшираларимиздаги билимий доира ниҳоятда кенг эканлиги намоён бўлди. Танлаб олинган ҳар бир маъруза давр талабига мос эканлиги ҳамда вилоятларнинг чекка-чекка қишлоқларида фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктларида тажрибалари кенг тарғиб этилганлиги ва ўз самарасини бераётганлигини эшитиб, фаолиятларни слайдларда кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Раҳбар сифатида таъкидламоқчиманки, ҳамшираларимизнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи ҳамда ривожланган мамлакатлардаги ҳамкасблари билан тенгма-тенг бўлишлари уларнинг касбларига бўлган ҳурматларини кўрсатди. Бу борада вилоятимиздан Исроил давлатига ташриф буюрган ҳамшираларимиз ҳам хизмат сафаридан сўнг олган билим ва тажрибалари бўйича тарғибот ишларини олиб бордилар. Уларнинг фаолиятларини кўриш мақсадида тиббиёт муассасаларида бўлганимда самарали ишлар амалга ошганлигининг гувоҳи бўлдим. Мен биргина вилоятимиздаги ҳамширалар меҳнатини эътироф этар эканман, бугунги анжуманда иштирок этаётган ҳамширалар меҳнатига ҳам юксак баҳо беришга жазм қилдим. Улар нутқининг ўткирлиги, ҳар бир слайдларга изоҳ беришлари, қилган ишларини кенг аудиторияда дадил гапириб берганликларининг ўзи катта маҳоратдир. Ўйлайманки, бу муваффақиятларнинг барчаси мустақиллигимизнинг шарофатидир. Ўз ўрнида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Исроил давлати, ЮСАИД халқаро ташкилотига миннатдорчилигимни билдираман. Ўзбекистон ҳамшираларининг Рихси Солихўжаевадек устозлари бор экан, улар ишининг равнақ топиб кетишига ишончим комил.

**Муҳаммад ВАҚҚОСОВ, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи.**

— Мазкур конференция жуда қизиқарли ва мазмунли тарзда ўтди. Ҳар бир инсон ҳам фаолияти давомидаги меҳнат маҳсулини кўргандагина қилган ишларидан фахрланади. Лекин ана шундай маҳсулга эришгунча қанчадан-қанча довонлардан ўтишга тўғри келади. Менимча Исроилга бориб қайтган ҳамшираларимиз меҳнатининг амалий натижаси осонликча юзага келмаган. Анжуманда гувоҳи бўлдикки, улар тарғиб қилган ишлар исроиллик вакиллар ҳамда ўқитувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутахассислари ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари томонидан кузатилганда амалий ишлар ўз аксини топганлиги тасдиқланди. Вилоятлардан келган ҳамширалар дастур бўйича олган лойиҳалари хусусида маъруза қилар эканлар, улардаги янгилик сари интилишлар ўз аксини ёрқин намоён этди. Бундай муваффақиятли ишлар «Ҳамширалик иши» жараёнида янада шаклланиб, ўз касбининг фидойилари бўлган ҳамшираларнинг мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этишига ва келажакда ўз мевасини беришига ишонаман.

**Зива ШАПИРА, КЛАЛИТ мактабининг директори.**

— Исроил давлатида таҳсил олган ўзбекистонлик ҳамширалар бугунги анжуманда ўзларининг олган билимларини ҳаётга ва инсонлар саломатлигини тиклашда қай даражада татбиқ этганликларини кўрсата олди. Биз таълим берган ўзбекистонлик 350 дан ортиқ чаққон, зукко, меҳрибон, меҳнатсевар ва самимий ҳамшираларнинг фаолиятдаги ўрни ниҳоятда кенг эканлигига амин бўлдим. Ҳатто улар меҳнат қилаётган тиббиёт муассасаларида бўлганимда берган таълимларимизнинг натижасини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Бу биргина бизнинг берган таълимларимиз эмас, балки уларнинг касбларига бўлган меҳрлари ҳамда бурч ва қасамёдларига бўлган содиқликларидир. Аввало, ҳар биримизга ана шундай имкониятларни яратиб берган барча мутасадди раҳбарларга ўз миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Ўйлайманки, бундай самарали меҳнат узлуксиз давом этиб, ҳамкорлигимиз эса абадий бўлади.

**Саодат МАЪРУПОВА, Бухоро вилояти ҳамшираси.**

— Айниқса, Президентимизнинг биз ҳамширалар ишига алоҳида эътибор қаратаётганлиги ҳам зиммамизга улкан масъулият юкламоқда. Шундай экан, Юртбошимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаш учун барча яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Мана, ўтказилган анжуманимиз ҳам Ўзбекистонда «Ҳамширалик иши»нинг нуфузи ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда десам янглишмаган бўламан. Исроил давлатидан ташриф буюрган устозларимиз Лора Ловен ҳамда Зива Шапираларнинг берган амалий ва назарий билимлари, шунингдек, уларнинг фаолиятдаги меҳнатимизга берган эътирофлари анжуманда иштирок этган тиббиёт ходимларини фахрлантириб юборди. Чунки, мазкур давлатда бўлиб, тажрибаларимизни бойитиб қайтгандан сўнг, вилоятимиздаги барча тиббиёт муассасаларида тарғибот ишларини олиб борганимиз самарасиз кетмади. Анжуманда ўқилган маърузалар ҳамда билдирилган фикрлар беш йиллик дастурнинг мазмун ва моҳиятини очиб берди. Хулоса қилиб айтганда ҳамшираларимиз ўзларидаги касбий маҳоратни ҳар томонлама иш жараёнида қўллай олганликларини кўрсата олдилар. Бу албатта эртанги кун ҳамширасининг халқимиз саломатлиги йўлида қилаётган саъй-ҳаракатининг асосий мезонига айланиб қолиши шубҳасиз.

**Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Асен НУРАТДИНОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 6 сентябрдаги 433-сонли буйруғига 1-илова**

*Олий ўқув юртлари ва уларнинг филиаллари бўйича 2005 йилда клиник ординатурага танқис йўналишлар бўйича қабул қилиш режаси*

| Шифр | Мутахассислик | Жами | Шу жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Грант | Контракт |
| | Тошкент педиатрия тиббиёт институти | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 2 | 2 | - |
| 14.00.18 | Болалар психиатрияси | 1 | 1 | - |
| 14.00.19 | Клиник радиология | 2 | 2 | - |
| 14.00.24 | Суд тиббиёти | 2 | 2 | - |
| 14.00.26 | Фтизиатрия | 2 | 2 | - |
| 14.00.29 | Гематология ва қон қуйиш | 2 | 2 | - |
| 14.00.45 | Наркология | 2 | 2 | - |
| | **Жами** | 13 | 13 | - |
| | Тошкент врачлар малакасини ошириш институти | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 2 | 2 | - |
| 14.00.15 | Патологик анатомия | 1 | 1 | - |
| 14.00.18 | Психиатрия | 2 | 2 | - |
| 14.00.19 | Клиник радиология | 2 | 2 | - |
| 14.00.24 | Суд тиббиёти | 1 | 1 | - |
| 14.00.26 | Фтизиатрия | 2 | 2 | - |
| 14.00.29 | Гематология ва қон қуйиш | 2 | 2 | - |
| 14.00.45 | Наркология | 1 | 1 | - |
| | Клиник-лаборатор ташҳисот | 2 | 2 | - |
| | **Жами** | 15 | 15 | - |
| | Андижон Давлат тиббиёт институти | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 2 | 2 | - |
| 14.00.15 | Патологик анатомия | 1 | 1 | - |
| 14.00.18 | Психиатрия | 1 | 1 | - |
| 14.00.19 | Клиник радиология | 2 | 2 | - |
| 14.00.24 | Суд тиббиёти | 1 | 1 | - |
| 14.00.26 | Фтизиатрия | 2 | 2 | - |
| 14.00.29 | Гематология ва қон қуйиш | 2 | 2 | - |
| 14.00.45 | Наркология | 1 | 1 | - |
| | **Жами** | 12 | 12 | - |
| | Самарқанд Давлат тиббиёт институти | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 2 | 2 | - |
| 14.00.15 | Патологик анатомия | 1 | 1 | - |
| 14.00.18 | Психиатрия | 2 | 2 | - |
| 14.00.19 | Клиник радиология | 2 | 2 | - |
| 14.00.24 | Суд тиббиёти | 1 | 1 | - |
| 14.00.26 | Фтизиатрия | 1 | 1 | - |
| 14.00.29 | Гематология ва қон қуйиш | 1 | 1 | - |
| 14.00.45 | Наркология | 1 | 1 | - |
| | **Жами** | 11 | 11 | - |
| | Бухоро тиббиёт институти | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 2 | 2 | - |
| 14.00.15 | Патологик анатомия | 1 | 1 | - |
| 14.00.18 | Психиатрия | 1 | 1 | - |
| 14.00.19 | Клиник радиология | 2 | 2 | - |
| 14.00.24 | Суд тиббиёти | 1 | 1 | - |
| 14.00.26 | Фтизиатрия | 2 | 2 | - |
| 14.00.29 | Гематология ва қон қуйиш | 2 | 2 | - |
| 14.00.45 | Наркология | 1 | 1 | - |
| | **Жами** | 12 | 12 | - |
| | Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 1* | 1* | - |
| 14.00.18 | Психиатрия | 1* | 1* | - |
| 14.00.19 | Клиник радиология | 2* | 2* | - |
| 14.00.24 | Суд тиббиёти | 1* | 1* | - |
| 14.00.26 | Фтизиатрия | 1* | 1* | - |
| 14.00.29 | Гематология ва қон қуйиш | 2* | 2* | - |
| 14.00.45 | Наркология | 2* | 2* | - |
| | **Жами** | 13* | 13* | - |
| | Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 2* | 2* | - |
| 14.00.18 | Психиатрия | 1* | 1* | - |
| 14.00.19 | Клиник радиология | 2* | 2* | - |
| 14.00.24 | Суд тиббиёти | 1* | 1* | - |
| 14.00.26 | Фтизиатрия | 2* | 2* | - |
| 14.00.29 | Гематология ва қон қуйиш | 2* | 2* | - |
| 14.00.45 | Наркология | 2* | 2* | - |
| 14.00.46 | Болалар юқумли касалликлари | 2* | 2* | - |
| | **Жами** | 12* | 12* | - |
| | **Олий ўқув юртлари бўйича жами** | 88(25*) | 88(25*) | - |

**«*» – мақсадли клиник ординатурага берилган ўринлар кўрсатилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 6 сентябрдаги 433-сонли буйруғига 2-илова**

*Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказларда 2005 йилда клиник ординатурага қабул қилиш режаси*

| Шифр | Мутахассислик | Жами | Шу жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Грант | Контракт |
| | Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 2 | 2 | - |
| | Тиббий тиклаш ва физиотерапия ИТИ | | | |
| 14.00.34 | Курортология ва физиотерапия | 5 | 1 | 4 |
| | Акад. В. В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази | | | |
| 14.00.19 | Клиник радиология | 2 | 2 | - |
| 14.00.27 | Хирургия (торакал хирургия) | 3 | 2 | 1 |
| 14.00.37 | Анестезиология ва реаниматол. | 5 | 2 | 3 |
| | **Жами** | 10 | 6 | 4 |
| | Фтизиатрия ва пульмонология ИТИ | | | |
| 14.00.26 | Фтизиатрия | 3 | 3 | - |
| 14.00.43 | Пульмонология | 5 | 2 | 3 |
| | **Жами** | 8 | 5 | 3 |
| | Гематология ва қон қуйиш ИТИ | | | |
| 14.00.29 | Гематология ва қон қуйиш | 4 | 4 | - |
| | Вирусология ИТИ | | | |
| 14.00.10 | Юқумли касалликлар | 1 | 1 | - |
| | **ИТИлар ва марказлар бўйича жами** | 30 | 19 | 11 |

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 6 сентябрдаги 433-сонли буйруғига 3-илова**

*Олий ўқув юртлари ва уларнинг филиаллари, илмий текшириш институтлари ва илмий марказлар бўйича 2005 йилда вазирлик буюртмасига асосан клиник ординатурага қабул қилиш режаси*

| Шифр | Мутахассислик | Жами | Шу жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Грант | Контракт |
| | Тошкент тиббиёт академияси | | | |
| 14.00.21 | Хирургик стоматология | 4 | - | 4 |
| 14.00.21 | Терапевтик стоматология | 4 | - | 4 |
| 14.00.21 | Ортопедик стоматология | 4 | - | 4 |
| 14.00.21 | Болалар стоматологияси | 4 | 1 | 3 |
| 14.00.21 | Ортодонтия | 4 | 1 | 3 |
| | **Жами** | 20 | 2 | 18 |
| | Тошкент педиатрия тиббиёт институти | | | |
| 14.00.03 | Болалар эндокринологияси | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.04 | Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.08 | Кўз касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.09 | Неонатология | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.13 | Болалар асаб касалликлари | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.22 | Болалар травматологияси ва ортопедияси | 1 | - | 1 |
| 14.00.35 | Болалар хирургияси | 1 | - | 1 |
| 14.00.37 | Болалар анестезиологияси ва реаниматология. | 2 | 1 | 1 |
| | **Жами** | 12 | 4 | 8 |
| | Тошкент врачлар малакасини ошириш институти | | | |
| 14.00.03 | Эндокринология | 2 | - | 2 |
| 14.00.04 | Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.05 | Ички касалликлар | 1 | - | 1 |
| 14.00.06 | Кардиология | 5 | 2 | 3 |
| 14.00.08 | Кўз касалликлари | 2 | - | 2 |
| 14.00.11 | Тери ва таносил касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.13 | Асаб касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.13 | Болалар асаб касалликлари | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.14 | Онкология | 3 | 1 | 2 |
| 14.00.21 | Хирургик стоматология | 3 | - | 3 |
| 14.00.21 | Терапевтик стоматология | 3 | - | 3 |
| 14.00.21 | Ортопедик стоматология | 3 | - | 3 |
| 14.00.21 | Болалар стоматологияси | 4 | 1 | 3 |
| 14.00.22 | Травматология ва ортопедия | 1 | - | 1 |
| 14.00.27 | Хирургия | 1 | - | 1 |
| 14.00.34 | Курортология ва физиотерапия | 1 | - | 1 |
| 14.00.37 | Анестезиология ва реаниматол. | 3 | 1 | 2 |
| 14.00.40 | Урология | 1 | - | 1 |
| 14.00.43 | Пульмонология | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.46 | Болалар юқумли касалликлари | 1 | 1 | - |
| | Клиник-лаборатор ташҳисот | 2 | 2 | - |
| | **Жами** | 43 | 10 | 33 |
| | Андижон Давлат тиббиёт институти | | | |
| 14.00.04 | Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.05 | Ички касалликлар | 1 | - | 1 |
| 14.00.06 | Кардиология | 1 | - | 1 |
| 14.00.08 | Кўз касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.09 | Педиатрия | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.09 | Неонатология | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.11 | Тери ва таносил касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.12 | Даволаш физкуль. ва спорт тиб. | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.13 | Болалар асаб касаллиқлари | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.13 | Асаб касалликлари | 3 | - | 3 |
| 14.00.14 | Онкология | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.22 | Травматология ва ортопедия | 1 | - | 1 |
| 14.00.27 | Хирургия | 1 | - | 1 |
| 14.00.28 | Нейрохирургия | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.35 | Болалар жарроҳлиги | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.36 | Аллергология ва иммунология | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.37 | Анестезиология ва реаним. | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.40 | Урология | 1 | - | 1 |
| | **Жами** | 29 | 9 | 20 |
| | Самарқанд Давлат тиббиёт институти | | | |
| 14.00.04 | Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.05 | Ички касалликлар | 1 | - | 1 |
| 14.00.08 | Кўз касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.09 | Неонатология | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.09 | Педиатрия | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.11 | Тери ва таносил касалликлари | 1 | - | 1 |
| 14.00.13 | Асаб касалликлари | 2 | - | 2 |
| 14.00.14 | Онкология | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.22 | Травматология ва ортопедия | 1 | - | 1 |
| 14.00.27 | Хирургия | 1 | - | 1 |
| 14.00.28 | Нейрохирургия | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.35 | Болалар хирургияси | 1 | - | 1 |
| 14.00.37 | Анестезиология ва реаниматология | 3 | 1 | 2 |
| | **Жами** | 20 | 5 | 15 |
| | Бухоро тиббиёт институти | | | |
| 14.00.05 | Ички касалликлар | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.13 | Асаб касалликлари | 2 | 1 | 1 |
| 14.00.21 | Стоматология (ортопедик) | 4 | - | 4 |
| 14.00.21 | Стоматология (хирургик) | 4 | - | 4 |
| 14.00.21 | Стоматология (терапевтик) | 4 | - | 4 |
| 14.00.21 | Стоматология (болалар) | 4 | 2 | 2 |
| 14.00.27 | Жарроҳлик | 4 | - | 4 |
| | **Жами** | 24 | 4 | 20 |
| | **Олий ўқув юртлари бўйича жами** | 148 | 34 | 114 |

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 6 сентябрдаги 433-сонли буйруғига 4-илова**

*Олий ўқув юртлари ва уларнинг филиаллари, илмий текшириш институтлари, ихтисослаштирилган ва илмий марказлар бўйича 2005 йилда мақсадли клиник ординатурага қабул қилиш режаси*

| Шифр | Мутахассислик | Жами | Шу жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Грант | Контракт |
| | Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази | | | |
| 14.00.05 | Кардиология | 3* | 1* | 2* |
| 14.00.13 | Асаб касалликлари | 2* | 1* | 1* |
| 14.00.20 | Токсикология | 4* | 1* | 3* |
| 14.00.27 | Хирургия | 3* | 1* | 2* |
| 14.00.28 | Нейрохирургия | 2* | 1* | 1* |
| 14.00.37 | Анестезиология ва реаниматология | 2* | 1* | 1* |
| 14.00.44 | Юрак қон-томир жарроҳлиги | 3* | 1* | 2* |
| | **Жами** | 19* | 7* | 12* |
| | Тошкент врачлар малакасини ошириш институти | | | |
| 14.00.01 | Акушерлик ва гинекология | 17* | 7* | 10* |
| 14.00.01 | Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси | 10* | 5* | 5* |

**(Давоми 5-бетда).**



**Соғлом турмуш тарзи**
**Республика Саломатлик институти**

# ТЕХНИКА ИНСОН ҚАНОТИ

***Жорий йилнинг 7 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг катта мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 200-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сонли «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Соғлиқни сақлаш тизимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.***

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Хожибоев кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг роли, аҳамияти соғлиқни сақлаш тизимида ўта муҳим эканлиги, яъни компьютер технологияларининг тиббиёт ходимларига берадиган имкониятлари – бу бир томондан амалга ошириладиган бутун дунё тиббиёт муассасалари орасида фикр алмашишлар, интернет-конференциялар бўлса, иккинчи томондан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва илмий тадқиқотлар билан ўртоқлашиш, ҳатто мазкур технологиялар ёрдамида ривожланган мамлакатлар тўплаган тажрибалардан ҳам кенг фойдаланишга доир имкониятлар эшигининг очилиши эканлигини алоҳида таъкидлаб,



мана шулар хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан мутахассисларнинг барчаси бугунги кун технологияси, интернет тизими ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу жараён айниқса, шошилинч тез тиббий ёрдам марказлари ва унинг филиалларида муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар..

Мазкур анжуманда Илмий-текшириш институтлари директорлари, тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлари ва республика тасарруфидаги барча тиббий муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ аъзолари иштирок этди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

# РАЗВИТИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

***В мае 2001 года, выступая на пятой сессии Олий Мажлиса, Президент страны Ислам Каримов поставил конкретные задачи по достижению Узбекистаном высоких уровней по внедрению компьютерных технологий в производство, программы школ и вузов, в повседневную жизнь людей.***

Для решения задач по компьютеризации общества, развитию информационных технологий 30 мая 2002 года принят Указ Президента Республики Узбекистан «О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий». Возможности, которые предоставляют врачам компьтерные технологии, трудно переоценить. Это и мгновенный обмен данными о пациентах между клиниками, и Интернет - конференции, и консультирование пациентов, находящихся в любой точке Земного шара, и пропаганда здорового образа жизни, и обмен научными исследованиями и управление службами здравоохранения. Опыт, накопленный в некоторых развитых странах, показывает, что применение информационных и коммуникационных технологий позволяет эффективно использовать человеческие, технические и финансовые ресурсы. На сегодняшний день используют в своей работе компьютеры и пользуются услугами Интернета более 70 % врачей республики. Особенно активны в этом направлении специалисты Республиканского центра экстренной медицинской помощи и его областных филиалов. Широко используются компьютерные технологии в учебном процессе всех высших и средних медицинских учебных заведений.

К сожалению, несколько отстают от них областные управления здравоохранения. Выход в Интернет имеется только в Навоийской, Ферганской и Сырдарьинской областях. Одной из причин, сдерживающих внедрение компьютерных технологий в практику, является дефицит кадров, обладающих необходимым объемом знаний. Существенную помощь в приобщении медицинских работников к источникам информации с помощью компьютера оказал Международный проект «Содействие медицинскому информированию и продолжению медицинского образования в Центральной Азии». Только за истекший период 2005 года прошли обучение около 1000 практикующих врачей, которые теперь активно обмениваются информацией о новых методах диагностики и лечения через электронную почту. Функционируют курсы компьютерной грамотности для профессорско-преподавательского состава Ташкентского института усовершенствования врачей, проходящих обучение на клинических базах института. Организован учебный центр по обучению медицинских работников компьютерной грамоте на базе Института здоровья. В рамках проектов «Здоровье-1» и «Здоровье-2» лечебно-профилактические учреждения республики оснащаются компьютерной техникой и средствами коммуникации. Все это создает предпосылки для формирования единой информационной системы здравоохранения, которая является конечной целью реализации нашей программы по информатизации здравоохранения. Наш сегодняшний семинар - один из шагов, который поможет приблизить программу к ее завершению.

***Зулхумор МУТАЛОВА,*** **директор Республиканского института здоровья.**

# САЛОМАТЛИК АЗИЗ НЕЪМАТ

***Жорий йилнинг 1 апрель санасидан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 123-сонли «Саломатлик институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот таҳлил маркази билан биргаликда Саломатлик институти ягона ташкилотга айланди, Республика Саломатлик институти мақомини олди ва шундай номланди.***

Эндиликда институт республикамиздаги даволаш-профилактика муассасаларидан олган барча ҳисоботлар асосида чиқарилган натижалар бўйича ўз фаолиятини юритади ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради. Бундай ишлар институт томонидан амалга оширилиши халқимиз саломатлиги йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Шунингдек, институт ихтиёрида ҳудудий филиаллар бўлиб, улар ҳам жойларда аҳолини соғломлаштириш борасида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бизларга маълумки, Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг ахборот таҳлил маркази ўз фаолияти давомида, асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даволаш-профилактика муассасалари томонидан олиб борилаётган ишларни йиғиб, ишлов бериб, таҳлил қилиб, керакли хулосалар чиқариб, назорат қилишдек ишни амалга оширади. Айтиб ўтиш даркорки, йиғиб, кўриб чиқилган ҳисоботларнинг йиғма маълумотлар мажмуи тузилиб келинган. Шу билан бир қаторда ахборот таҳлил маркази, шунингдек, янги коммуникацион технологияларни жорий қилиш билан республикамизнинг соғлиқни сақлаш тизимида ягона ахборотлаштириш тизимини яратишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, республикамизда долзарб бўлган мавзулар бўйича нодавлат ташкилотлар билан ҳам алоқалар ўрнатилган. Бу алоқалар амалга оширилишида муҳим роль ўйнаётган Саломатлик институти 2001 йилда ташкил топган бўлиб, унинг асосий вазифаси тарғибот-ташвиқот ишларидан иборат бўлган.

2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, махсус тузилган комиссия томонидан «Сиҳат-саломатлик йили давлат дастури» тузилди ва ҳозирги кунда унинг амалга оширилиши қаттиқ назорат қилинмоқда. Шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг кўмаклари туфайли Республика Саломатлик институти ва унинг ҳудудий филиаллари соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишларини оммавийлаштириб юборганлар. Аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш учун кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун Саломатлик институти ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб, долзарб бўлган мавзулар бўйича кўплаб варақа-эслатмалар, буклет, плакат, брошюра, видеоролик ва видеофильмлар чиқариб, аҳоли ўртасида оммалаштириб келмоқдалар. Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда, аввало оиланинг тиббий маданияти ва билимини ошириш зарурий вазифа ҳисобланади.

Шунинг учун «Соғлом оила» лойиҳаси тузилиб, унда кўрсатилган бандларни жадаллик билан оммавийлаштириш ишлари бўйича фаолият олиб борилмоқда.

Республикамиз аҳолиси оммавий ахборот воситалари хизматларидан фойдаланадилар. Шуни эътиборга олиб, Республика Саломатлик институти ва унинг ҳудудий филиаллари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари бўлмиш энг оммалашган телевидение кўрсатувларида, радиоэшиттиришларда фаол қатнашиб келмоқдалар, рўзномаларда эса ўз мақолалари билан аҳолига керакли ёрдам бермоқдалар ва шу йўл билан сиҳат-саломатликни тарғиб қилмоқдалар. Шу билан бирга, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган махсус кунлар муносабати билан Тошкент шаҳри ва республикамиз вилоятларидаги ташкилотлар, маҳаллалар, ўқув муассасалари, болалар сиҳатгоҳлари ҳамда оромгоҳларда турли хилдаги тадбирлар ўтказиб келинмоқда ва кўплаб учрашувлар, савол-жавоб кечалари уюштирилиб, аҳоли билан яқиндан мулоқотда бўлмоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 2005 йили нафақат Саломатлик институти ходимлари учун, балки барча тиббиёт ходимлари учун ҳам жиддий ва муҳими синов йили бўлиб, барчамизни сергаклантириб, зиммамизга катта масъулиятни юклади. Президентимизнинг фикрларига кўра, хайрли ишлар хар кун, хар вақт қилиниши керак. Шундай улуғ йилда бошланган ишлар, тадбирлар тугамайди, улар давом этади, чунки, инсон учун энг азиз бўлган саломатлик бу нафақат унинг, балки жамиятимиз бойлигидир. Халқимиз доимо соғ-саломат бўлсин.

**М. АБДУЛЛАЕВА, Республика Саломатлик институти мутахассиси.**

Защита прав пациента

# ЭТИКА В НАУКЕ

**Стремительное развитие биологии, фармацевтической промышленности, новых биотехнологий по профилактике, диагностике и лечению заболеваний человека, необходимость экспертизы клинической эффективности новых фармакологических средств выдвинули на первый план вопросы правовой защиты человека как объекта биомедицинских исследований. Последние представляют собой научные разработки с участием человека в качестве объекта, главной задачей которых является улучшение профилактической, диагностической и лечебной работы, а также раскрытие этиологии и патогенеза заболеваний человека.**

Научные исследования принесли существенную пользу обществу, но поставили перед ним некоторые этические проблемы, так как включают в себя проведение экспериментальных работ с привлечением человека в качестве объекта. Злодеяния нацистских врачей над заключенными в биомедицинских исследованиях в конце Второй мировой войны послужили поводом для создания Нюрнбергского кодекса, состоящего из 10 пунктов, в которых перечислены допустимые медицинские эксперименты среди людей и сформулированы многие из основных принципов, положенных в основу этического проведения исследования. В соответствии с этим кодексом неотъемлемым является добровольное информированное согласие человека как субъекта исследования, минимизация риска и вреда, благоприятное распределение риска и пользы, высокая квалификация исследователей и свободный выбор испытуемого отказаться от участия в исследовании в любое время. Этот кодекс стал основой для разработки последующих руководств и деклараций, предназначенных для обеспечения этических принципов при выполнении биомедицинских исследований.

Признавая недостатки Нюрнбергского кодекса, Всемирная медицинская ассоциация разработала Хельсинкскую декларацию в 1964 г., содержащую принципы, которыми призваны руководствоваться врачи и другие специалисты при проведении научных исследований. В декларации подчеркивается, что научные работники должны знать об этических, юридических и нормативных требованиях, которые предъявляются к научным исследованиям во всех странах, а также о соответствующих международных нормах.

**Принципами Хельсинкской декларации, переизданной в 2000 г., являются:**

*- добровольное и информированное письменное согласие участника исследования (или его представителя в случае недееспособности пациента);*

*- ответственность медицинского специалиста за жизнь и здоровье человека как объекта исследования;*

*- высокая квалификация исследователя;*

*- защита прав пациента как личности;*

*- право человека отказаться от участия в исследовании в любое время;*

*- сведение к минимуму неблагоприятного влияния научного исследования на участника;*

*- предоставление Комитету по этике (КЭ) протоколов исследования для рассмотрения, рекомендации и осуществления мониторинга за проведением клинических испытаний.*

*В 1972 г. в США были опубликованы результаты изучения естественного течения латентного сифилиса у 400 мужчин в период с 1932 по 1972 гг. При этом больные не получали должного лечения, хотя антибиотики уже были известны в 40-х гг. Это исследование было тем более позорным, так как все участники были бедными афро-американцами - неимущей группой населения из южной части Соединенных Штатов. В результате в 1974 г. в США была создана Национальная комиссия для защиты людей, являющихся субъектом биомедицинских исследований, итогом работы которой стал отчет Бельмонта: «Этические принципы и руководства для защиты людей, являющихся субъектом научных исследований» (1978). В этом документе сформулированы различия между исследованием и практикой, а также 3 основных этических принципа: уважение личности, польза и правосудие. В связи с указанным при президенте США был создан Национальный консультативный комитет по биоэтике по вопросам, связанным с исследованиями, вовлекающими людей в качестве участников.*



Дальнейшему развитию этики биомедицинских исследований способствовало руководство по «Международным этическим принципам биомедицинских исследований человека», выпущенное в 1993 г. советом международных научно-медицинских организаций. Это руководство также основано на 3-х основных этических принципах научной этики: уважение личности, полезность (не вредить, максимизировать возможную выгоду и минимизировать возможный ущерб) и справедливость (получение одинакового по качеству лечения).

**Темы, затронутые в документе, включают:**

*- Информированное согласие*

*- Научные исследования в развивающихся странах*

*- Защита уязвимых групп населения*

*- Распределение трудностей и пользы*

*- Роль этических комитетов*

В руководство включены также обязательства спонсора, исследователя и страны организатора. Из-за глобальной применимости это руководство было широко распространено и принято.

Важным этическим моментом является оценка безопасности, качества и эффективности новых медицинских препаратов и изделий, в связи с чем в 1990 г. представители крупных промышленных ассоциаций США, Японии и Европы организовали международную конференцию по гармонизации (ICH) с целью стандартизировать процесс, согласно которому новые лекарства разрабатываются, проверяются и выносятся на рынок. В 1996 г. ICH подготовил Директивы правильной клинической практики (GCP), они являются «Международным этическим и научным стандартом качества для разработки, проведения регистрации и сообщения испытаний, которые вовлекают участие людей». Большинство фармацевтических компаний приняли GCP как стандарт для проведения клинических испытаний. Кроме того, Директивы определяют обязанности спонсора исследования и исследователя, его проводящего.

Вопросы защиты прав человека как субъекта биомедицинских исследований стали разрабатываться в странах СНГ с приобретением независимости. Организованные в этих странах комитеты по этике сыграли важнейшую роль в становлении биоэтики. Так, **в Узбекистане в 2000 г. был создан Национальный этический комитет по защите прав пациента при проведении биомедицинских исследований при Минздраве Республики Узбекистан.** В этом же году НЭК Узбекистана вошел в Форум КЭ стран СНГ и в Форум Европейских стран. Члены НЭК принимали участие в ежегодных международных конференциях по биоэтике, проходивших в Санкт-Петербурге (2000 г., 2003г.), Алма-ате (2002 г.), Киеве, Баку (2004 г.). Члены НЭК Узбекистана приняли участие в разработке модельного закона «Защита прав и достоинства человека в биомедицинских исследованиях в СНГ», в котором установлены государственные гарантии по защите прав, достоинства, автономии и целостности человека при проведении биомедицинских исследований. В своей работе комитет руководствуется Конституцией РУз, принципами Нюрнбергского кодекса, Хельсинкской декларации (ВМА), Конвенции о правах человека в биомедицине Совета Европы, Международного руководства по этике биомедицинских исследований с участием человека, Совета международных организаций по медицинской науке (CIOMS), руководства по качественной клинической практике ВОЗ и Международной конференции по гармонизации (ICH/GCP), рекомендациями ВОЗ комитетам по этике, проводящим экспертизу биомедицинских исследований. Кроме того, НЭК руководствуется законами РУз «Об охране здоровья граждан» (1996), «О лекарственных средствах и фармацевтической деятельности» (1997), «О защите прав потребителей» (1996), инструкцией МЗ РУз «О проведении клинических испытаний» (2001), а также новым положением о комитете, утвержденном приказом МЗ РУз в 2000 г.

**К задачам НЭК относятся**

*- рассмотрение вопроса о возможности проведения биомедицинских исследований с участием человека в качестве субъекта клинических испытаний с применением:*

*- новых технологий в диагностике, лечении и профилактике заболеваний;*

*- новых лекарственных препаратов, пищевых добавок, медицинской техники и изделий медицинского назначения.*

**НЭК осуществляет:**

*- контроль за получением информированного согласия пациентов на участие в проводимом исследовании;*

*- контроль за соблюдением этических аспектов исследований, в том числе надежностью и достаточностью страхования участников исследования;*

*- регулярный надзор за ходом медицинских исследований с целью выяснения степени риска, которому подвергаются участники исследования;*

*- контроль за образовательными программами по биоэтике в вузах;*

*- проведение обучающих семинаров и конференций по вопросам биоэтики и биоэтической экспертизы;*

*- контроль за исследованиями и внедрением пересадки органов, тканей и клеток;*

*- контроль за исследованиями по созданию трансгенных лекарственных препаратов и продуктов на основе генетически модифицированного сырья;*

*- надзор по биобезопасности коллекций штаммов микроорганизмов, хранящихся в НИИ МЗ РУз и АН РУз;*

*- публикация в медицинских журналах и СМИ сведений по вопросам биоэтики и деятельности Национального комитета по этике.*

**НЭК несет ответственность за:**

*- организацию быстрого оповещения ответственных лиц Министерства здравоохранения и Фармакологического комитета МЗ РУз;*

*- о любых неожиданных несчастных случаях или проблемах, создающих риск для субъектов исследования или других лиц, участвующих в исследовании;*

*- о любом серьезном или продолжительном сопротивлении выполнению настоящих положений или требований НЭК;*

*- о любой приостановке или отмене утверждения со стороны НЭК совместных протоколов медицинских исследований с участием людей, проводимых в Узбекистане или с участием Узбекистана;*

*- за обеспечение копией данного положения всех лиц, проводящих исследование или наблюдающих за ними.*

В состав входят ведущие ученые РУз в различных областях медицинской науки, а также представители религиозных и общественных организаций.

Важную роль в проведении биомедицинской экспертизы должны сыграть региональные и локальные этические комитеты, организованные на базе областных центров республики (города Самарканд, Бухара, Андижан, Нукус) и крупных клинических баз медицинских вузов, возглавляемые ведущими учеными республики.

В настоящее время в Национальном этическом комитете проходят экспертизу все проекты (как отечественные, так и совместные с другими иностранными и международными организациями) биомедицинских исследований с участием человека в качестве субъекта испытаний.

НЭК работает в соответствии с принятыми в процессе повседневной деятельности стандартными рабочими процедурами (SOP), срок рассмотрения документации составляет 7-30 дней, в зависимости от приема ее в обычном или ускоренном порядке.

В перспективе важной задачей НЭК является организация обучения специалистов по биоэтике: преподавателей вузов, организаторов здравоохранения, членов региональных и локальных этических комитетов, что, несомненно, будет способствовать достижению независимой компетентной этической экспертизы, как фундамента развития здравоохранения в нашей республике.

**М. АБДУЛЛАХОДЖАЕВА,**
**академик АН РУз.**

*Фойдали маслаҳатлар*

## ТИРНОҚ КАСАЛЛИГИ

*Инсон организмида юз берган бирон-бир салбий ўзгариш туфайли, тирноқлар юмшаб, тушиб кетиши мумкин.*

*Бундай ҳолда таркибида А витамини кўп бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш зарур. Буларга сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин, жигар ва сут маҳсулотлари киради. Ёнғоқни писта «кунгабоқар» билан бирга туйиб, унга каноп ёғи қўшилади ва тирноққа суртилади.*

## ТЕРИ ШЎРЛАШИ

*Киши организмида айрим дармондори етишмаганида тери шўралаб кетиш ҳолати рўй беради. Бу ҳолда ҳам шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш тавсия этилади.*

*Қора андиз қайнатмаси терига бир кунда 2-3 маҳал суртилади. Бу усул терининг шўралашини кетказишда ёрдам беради. А витамини етишмаслиги оқибатида ҳам тери шўралашиши мумкин. Шунинг учун таркибида А витамини бўлган таомлар ва сабзавот маҳсулотларини кўпроқ тановул этиш тавсия этилади. Сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин ва бошқа турдаги сабзавотлар ҳамда сут маҳсулотлари шулар жумласидандир.*

*Анжирнинг қуруқ баргини олиб (15-20 миқдорда), чойнакка майдалаб солинади ва устига 200 грамм қайнаб турган сув қуйиб, 30 дақиқа давомида дамланади. Шу дамлама докадан сузиб олингач уни матога шимдириб, терига суртилади. 1-2 кундан сўнг тери шўралаши қолади. Бундан ташқари, жийдани истеъмол қилиш ҳам ёрдам беради.*

*Тери хасталикларида исириқ дамламаси ҳам катта ёрдам беради. Ўсимликнинг сут шираси матога шимдирилиб, 10 кун давомида терининг шўралаган жойига сурилса, даво бўлиши мумкин.*

**«Юз дардга юз даво» китобидан олинди.**



*Она замин неъматлари.*

## ТУНУКА ИДИШНИНГ ХОСИЯТИ

Қадимги Хитойда камбағал кишилар тунука идишда овқат еганлар. Бир замонлар ясалган қадимги бу тунука идишлар бир авлодгагина эмас, балки ўзидан кейинги кўпгина авлодларга ҳам хизмат қилган. Кейинчалик эса уларнинг ўрнини арзон алюмин ва пластик идишлар эгаллади. Шу билан бирга янги хасталиклар, жумладан, камқонлик (анемия) пайдо бўлди.

Хитой табобати жорий қилган ва қадимда шифокорлар тавсия этган тунука идишлар бекорга яратилмаганлиги олимларни ўйлантириб қўйди. Чунки, «Қон янгиланишида темир моддаси иштирок этмаслиги ақлга тўғри келмайди», албатта. Ҳозир Хитойда тунука идишлар баҳоси анча юқори. У қанча қадимги бўлса, нархи шунча қиммат туради.

## АДЕНОИД НИМА?

Бурун бўшлиғи бекилиб қолганда болалар эркин нафас олмай қийналадилар. Бу эса бола баданида кислороднинг етишмаслигига олиб келади. Натижада қизил қон таначалари ва гемоглабин миқдори камаяди. Юракнинг иш фаолияти заифлашади. Ўпкада қон айланиш тезлиги сусаяди. Булар ўз навбатида мия ва бошқа аъзоларнинг иш фаолиятига таъсир этади. Ҳаво йўлининг тўсилиб қолишидан ҳалқумнинг орқа деворига жойлашган учинчи бодомсимон безнинг катталашиши юз беради. Бундай безни аденоид деб атаймиз.

Аденоид касаллиги мавжуд бўлган болалар кўпинча оғиз орқали нафас оладилар. Уларнинг уйқуси нотинч бўлади, алаҳлаб босинқирайди. Бола қайсарлашиб, асабийлашади. Узоқ вақтгача йўталиб юради. Тил ва лаблари қуриб, ёрилади. Шифокорларнинг айтишларича, тишлар аста-секин увалана бошлайди. Таомни яхши ҳазм қилаолмайди, ичи бузилади. Шунингдек, димоғи билан сўзлашиш ҳам ана шу хасталик асоратидан келиб чиқади. Бундай хасталикни даволаш борасида республикамизда бой тажриба орттирилган. Агар бола ўз вақтида даволанса тезда соғайиб кетади.

**А. АЛИЕВ тайёрлади.**

## ҚОВУН

**Таъсири ва ишлатилиши**

Халқ табобатида дармони қуриб қолган ва камқон касалларга қовун буюрилади. Гепатит билан оғриб ўтган ва ичи қабзият бўлиб юрадиган одамларга у фойдалидир. Юзга сепкил, ҳуснбузар тошганида, доғ тушганида кечаси ётиш олдидан юзга қалин қилиб эти қолдирилган қовун пўчоғи бойлаб қўйилади. Уруғларини ҳам янчилган ҳолда сувга яхшилаб қориштириб, сепкил ва ҳуснбузарларни йўқотиш учун ишлатилади. Буйрак-тош касаллигида қовуннинг сувга қориштирилган ана шундай уруғи овқатдан олдин, ярим стакандан кунига 2-3 маҳал ичилади. Ибн Сино қовун буйрак ва қовуқдан майда тошларни тушириб юборади, деган. Сариқ касаллиги, истисқо, буйрак-тош касаллигида қовун фойда беради, деб ҳисобланади, у пешобни кучайтириб, одамни терлатади ҳам.

Замонавий табобатда қовун одамга озиқ бўладиган, қувватга киргизадиган, сийдик ҳайдайдиган ва сурги восита тариқасида буюрилади. Қабзият, гепатит, атеросклероз, камқонлик ва бошқаларда ҳам қовун фойдалидир.

*Билиб қўйган яхши*

## КАШНИЧ

Халқ табобатида кашнич ўти меъда-ичак йўлининг ишини жойига келтирадиган (иштаҳани очиб, овқат ҳазмини яхшилайди), шунингдек, гижжа туширадиган восита тариқасида ишлатилади. Мевалари шакарга ботириб ейиладиган бўлса, оғиздаги қўланса ҳидни олади. Кашнични милклар қонаганида, камқонлик, гипертония касаллигига даво қилиш учун ва тинчлантирадиган ҳамда талвасаларга қарши таъсир кўрсатадиган восита тариқасида ишлатиш тавсия қилинади. Сувда тайёрланган кашнич экстрактлари йўталга қарши, сийдик ва ўт ҳайдайдиган восита тариқасида ишлатилади. Янги кашничнинг сиқиб олинган суви ва илдизларидан тайёрланган қайнатмани сариқ касаллиги, қизамиқ ва стоматитга даво қилиш учун ишлатиш тавсия этилади.

Ибн Сино фикрига қараганда, кашнич бош айланиши, уйқусизлик, иситма ва қон кетар маҳалларда анча ёрдам беради. У одамга эшакем тошганида, куйдирги чиққанида, шунингдек, иссиқ шиш пайдо бўлганида кашнични сирка, гул мойи, асал ва майиз билан қориштириб ейишни тавсия этади.

Кашнич илдизида бўладиган эфир мойи ўт ҳайдайдиган, оғриқ қолдирадиган, бавосилга қарши таъсир кўрсатади. Кашничдан тайёрланган гален препаратлар ҳазм безлари ишини яхшилаш, ўт ажралишини жонлантириш, қориннинг дам бўлиши, чанқаш, кўнгил айнаши, юрак ўйнашини камайтириш учун буюрилади. Ўрта Осиё ва Кавказда кашнич ош кўк тариқасида кўп ишлатилади. Тибет табобатида меъда касалликлари, неврозларда, моддалар алмашинуви бузилганида кашнич буюрилади. Ўрта Осиёда неврастения, циститлар маҳалида, ичкетар пайтида кашнич сувини ичиш ёки ўтини истеъмол қилиш тавсия этилади (сувидан кўпи билан 25,5 г гача, ўтидан кўпи билан 50 г гача).

Замонавий табобатда кашничдан овқат ҳазмини яхшилайдиган, ўт ҳайдайдиган, оғриқ қолдирадиган, яраларнинг битишини тезлаштирдиган, антисептик восита тариқасида фойдаланилади. Етилган кашнич мевалари ични юмшатадиган, ўт ҳайдайдиган ва билвосита қарши таъсир кўрсатадиган йиғма дори таркибига киради. Кашничнинг гален препаратлари ҳам безлар ишини кучайтиришдан ташқари, қон босимини пасайтирувчи таъсир ҳам кўрсатади.

**Тайёрлаш ва ишлатиш усуллари:**

**1.** *1 ош қошиқ янчилган кашнич мевалари устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 30 дақиқа дамлаб қўйилади, сузиб олиниб, овқатдан 30 дақиқа илгари 2 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.*

**2.** *2 ош қошиқ кашнич мевалари устига 1 стака қайноқ сув қуйиб, 15-20 дақиқа дамлаб қўйилади, сузиб олиниб, қўланса ҳидни йўқотиш учун кунига бир неча марта оғиз чайилади.*

## УКРОП

Халқ табобатида овқат ҳазми бузилганида, нафас йўллари, жигар, буйрак, қовуқ касалликларида, шунингдек эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтириш учун укроп уруғидан кукун, дамлама ва қайнатма ҳолида фойдаланилади. Ўрта Осиё халқ табобатида укроп уруғини қорин оғриғи, ўт-тош ва сийдик-тош касалликларида анча ёрдам беради, ел ва сийдик ҳайдаш хоссаларига эга бўлиб, кўнгил айнаётган маҳалда, юрак ўйнаётганда ҳам наф беради.

Замонавий табобатда бу ўсимликлардан тайёрланган гален препаратларнинг ҳам йўлидаги безлар ишини кучайтириб, ўт ва сийдик ҳайдаладиган таъсир кўрсатиши, ичаклар ишини жойига келтириб, мускулларнинг тортишиб қисқариб туришини бартараф этиши аниқланган ва сийдик ҳайдайдиган бўлгани учун баъзи олимлар уни гипертония касаллиги ва атеросклероз давосига ишлатишни тавсия этадилар. Чиндан ҳам, укроп дамламаси вена томиридан юборилганда қон босимини тушириб, чарчаган юрак ишини кучайтириши, ичакларни бўшаштириши ва сийдик чиқишини кўпайтириши ҳайвонлар устидаги тажрибаларда аниқланган.

Экма укроп уруғлари ва булардан олинган анетин препарати юрак-тож томирлари, меъда-ичак йўли, ўт пуфаги, сийдик йўллари силлиқ мускулларини бўшаштиради, шу муносабат билан юрак-тож томирлари ва бошқа томирларни кенгайтириб, оғриқларни бир қадар камайтиради.

**Тайёрлаш ва ишлатиш усуллари:**

**1.** *Қуруқ экмаукроп ўтидан 10 г (1 ош қошиқ) миқдорда олиб, устига 500 мл қайноқ сув қуйилади-да, дамлаб қўйилади, совуганидан кейин сузиб олиб, қабзият маҳалида ёки ич дам бўлганда овқат олдидан ярим стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади.*

**2.** *10 г миқдоридаги укроп уруғини сирланган идишга солиб, устига 200 мл (1 стакан) қайнаб турган сув қуйилади-да, идиш қопқоғини ёпиб, уни қайнаб турган сувга 15 дақиқа солиб турилади, уй ҳароратида 45 дақиқа давомида совутилади, кейин сузиб олиб, суюқлик ҳажми қайнаган сув билан 200 мл га етказилади. Балғам кўчирадиган ва ел ҳайдайдиган восита тариқасида илиқ ҳолида 1/3 стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади.*

**3.** *2 чой қошиқ укроп уруғини термосга солиб, устига 200 мл қайноқ сув қуйилади ва кечаси билан тиндирилади. Эртасига шу дамламанинг ҳаммаси овқатдан олдин 3 га бўлиб ичилади.*

**4.** *1 г миқдорида (пичоқ учида) олинган укроп уруғи овқатдан 20 дақиқа илгари кунига 3 маҳал сув билан ичилади.*

**5.** *Қорин дам бўлганда, айниқса, болаларга, 1 чой қошиқдан укроп суви (дорихона укропи мойининг 0,1 фоизли эритмаси) буюрилади.*

**«Халқ табобати» китобидан олинди.**

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Gazeta muassisi:
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi

Bosh muharrir:
Po'lat MIRPO'LATOV.
Ijrochi muharrir:
Ibodat SOATOVA.
Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.
Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, O. MUHITDINOVA. M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHAROPOV.

Manzilimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211.
Adadi 9.250 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi.
Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma Г-856.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.
E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushun reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirilish vaqti 19.00.

Topshirildi 19.00. 1 2 3 4 5